



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни видеоанжуман шаклида ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини ушбу ташкилотнинг ўтган йил 11 декабрдаги саммитида олган эди.

Ўтган даврда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва уни амалга ошириш буйича уч йиллик Чора-тадбирлар режаси имзоланди. Мамлакатимиз вакиллари ЕОИИнинг кўп томонлама тадбирларида иштирок этмоқда. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бирлашманинг Саноат сиёсати буйича

кенгаши йиғилиши ва халқаро "Иннопром" кўргазмаси ўтказилди.

Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган Олий кенгашнинг навбатдаги йиғилишида кенгаш Фахрий Раиси, Қозғоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоси Нурсултон Назарбоев, Арманистон Республикаси Бош вазири вазири фақсини бажарувчиси Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир

Путин, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат — Куба Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати Раиси Михаил Мясникович ҳам иштирок этди.

Тадбир кун тартибидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорлик қилиш ҳамда ЕОИИ фаолиятини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳал этилиши ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни талаб этувчи энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталди.

Хусусан, қуйидагилар алоҳида қайд этилди:

— савдо муносабатларини, шу жумладан, тўсиқларни бартараф этиш ва савдоноти тариф тартибига солиш чораларини яқинлаштириш орқали янада кенгайтириш учун салмоқли салоҳият мавжуд;

— мамлакатларимизнинг етакчи корхоналари ва ҳудудларнинг саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, Евроосиё тараққиёт банкни жалб қилган ҳолда, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш буйича лойиҳаларни илгари суриш муҳим аҳамиятга эга;

— транспорт-транзит соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш ва юк ташиш ҳажминини ошириш мақсадида ўзаро имтиёزلарни кенгайтириш лозим.

Эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашуви ва аҳолини эмлаш буйича қурилаётган чора-тадбирларни ҳисобга олиб, минтақа мамлакатлари ўртасидаги мунтазам ҳаво ва темир йўл қатновини қайта тиклаш таклиф этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ЕОИИ солиқ ва божхона маъмуриятчи-

лиги, саноат, меҳнат миграцияси ва туризм буйича рақамли платформаларига улашиш имконияти кўриб чиқилмоқда, шунингдек, бошқа қатор устувор йўналишлар борасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида мамлакатимизнинг кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигида аниқ ва сезиларли натижаларга эришиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

ЎЗА



ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА КУЧ БЕРАЁТГАН ЭЗГУ ҲОЯЛАР

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ЁШЛАР УЧУН "ТОШКЕНТНИНГ БЕШ ТАШАББУС ҲАРАКАТИ" ТАДБИРЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш буйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан белгиланган муҳим вазифалар ижро этиб келинаётир.

Давоми 7-бетда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“ИЛҲОМ” МУКОФОТИ — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ҚАНОТИ



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири

Илм ва ижод — қуёш каби ҳам борлиқни ёритади, ҳам дилларни мунаввар этади. Инсоннинг ҳаёт мазмуни, яхши хулқи, фазилатлари шу икки улғувор хилқат асносида шаклланиди ва юксалиб боради. Бугун мамлакатимизда илм-фан, маънавият ва адабиётга берилётган эътибор ва рағбатдан соҳа аҳли мамнун, қанди, кўкси тоғдай кўтарилди. Ёшларнинг ҳам ўқишга, изланишга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан кўриш мумкинки, адабиёт, маънавият соҳаси ривожига қаратилган ислохотлар, янгиланиш, имкониятлар яратиш борасидаги улғу ишлар янги босқичга чиқди.

Давоми 8-бетда



ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ТАШАББУС



Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг **БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШИ** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди. Ушбу мавзудаги материаллар билан 3-6-саҳифаларда танишасиз.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон Президентининг таклифлари Евроосиё минтақасида ҳамкорлик ривожига тўртки беришга қаратилган фаол ташқи иқтисодий сиёсатдан далолат беради

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май кунини Евроосиё иқтисодий иттифоқининг кузатувчи давлати раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Ушбу воқеа халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Нине ЛИНДЕ,
Латвия Фанлар академияси Иқтисодиёт
институтининг директори:

— Латвия экспертлар ҳамжамияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг бугун бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги иштирокини катта қизиқиш билан кузатишди. Экспертлар Ўзбекистон раҳбарининг нутқи мақсади вазидаларга қаратилганини таъкидламоқда.

Ўзбекистон ички алоқалар ва мулоқотларни ривожлантириш, пандемиянинг оқибатларини бартараф этиш, нафақат Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари, балки Европа Иттифоқи, жумладан, Латвия билан савдо ҳамжи ва динамикасини оширишда ижобий натижаларга эришди.

Ўзбекистон раҳбарининг пандемия билан боғлиқ вазиятни барқарорлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, авиапарвозлар ва темир йўл транспортини қайта тиклаш бўйича таклифи долзарблигини алоҳида таъкидлашди. Бу нафақат мажбурий узок

танаффусдан сўнг одамлар ўртасида бевосита яқин алоқаларни тиклашга хизмат қилади, балки иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик ҳаракатларини жонлантиришга ҳам ёрдам беради.

“Uzbekistan Airways”нинг “Тошкент — Рига — Тошкент” авиайўналиши бўйича тўғридан-тўғри қатновлар тиклаганини олқийлаймиш. Бу Латвия бизнес делегацияларининг Ўзбекистонга ташриф буюриши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари бўйича музокаралар ўтказишига қўлай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Президентининг савдо тўсиқларини олиб ташлаш, чет элда ватандошлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа муҳим масалаларни ўз ичига олган нутқи пухта тайёрлангани билан эътиборни тортди. Унда транспорт, транзит ва чегара тартибини такомиллаштириш, электрон хизматларни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ва монополияга қарши сиёсат, солиқ ва боғжона бошқарувини такомиллаштириш масалалари таъкидланди.

Халқаро савдо йўллари чорраҳасида жойлашган мазкур ҳудудда янги самарали транспорт йўлакларини очиш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган транзит салоҳияти ва имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Президенти томонидан билдирилган таклифлар мамлакатнинг Евроосиё минтақасида ҳамкорлик ривожига тўртки беришга қаратилган фаол ташқи иқтисодий сиёсатдан далолат беради.

шишга имтиёзлар бериш тўғрисидаги таклифи савдо алоқаларини янада кенгайтиришда жуда муҳим омил бўлади. Ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим транзит ва транспорт маркази сифатидаги имкониятларига катта эътибор қаратиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти товар, капитал ва меҳнат ресурслари ҳаракатини изчил ривожлантириш зарурлигини қайд этди. Бу жиҳатсиз, менинг фикримча, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш деярли имконсиз.

Умуман, Ўзбекистон иқтисодиётининг ЕОИИга аъзо давлатлар билан интеграциялашуви барча муаммоларни ҳал этиш, жумладан, савдо муносабатларидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ва янги бозорларга чиқишнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

“Дунё” АА

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСИ АМАЛДА

МИНТАҚА КЕЛАЖАГИ УЧУН ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш масалаларига эътибор янада қучайиб, мазкур соҳаларда улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг жаҳоннинг нуфузли минбарларидан туриб берган конструктив таклифларига халқаро жамоатчилик ҳам катта қизиқиш билдириб, муносиб эътироф этмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида жаҳон ҳамжамиятини Орол денгизи қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш, бу йўлда халқаро миқёсдаги савдо-ҳаракатларни фаол бартараф этиш, БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолига амалий ёр-

овоздан маъқулланиб, мазкур резолюция қабул қилинди. Ҳужжатга жаҳоннинг 60 га яқин давлати ҳаммуаллифлик қилгани ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси барча давлатлар учун бирдек муҳимлигини аниқлатади.

Мазкур резолюция Марказий Осиё минтақаси давлатларининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги савдо-ҳаракатларини бирлаштириш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда экологик хавфсизлигини таъминлаш-



дам кўрсатиш бўйича қабул қилинган махсус дастурни тўлиқ амалга оширишга қақирган эди.

Таъкидлаш жоизки, бу сессияда Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та асосий ташаббуснинг барчаси амалга ошди. Хусусан, Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармаси ўз фаолиятини бошлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилишга оид махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифини давлатимиз раҳбари 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илгари сурган эди.

Шу йил 18 май кунини БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси яқли мажлисида яна шу таклиф бир

га хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Орол фожияси натижасида сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланишнинг қучайиши, биохимик хавфли кескин камайиши ва бошқа салбий омиллар тобора жиддийлашиб бораётгани нафақат минтақамиздаги, балки дунёдаги экология ва атроф-муҳит муҳофафазига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон томонидан Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, денгизнинг қуриган тўбинини ўрмонлаштириш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.



Биргина мисол. Сўнгги 40 йил давомида Оролнинг қуриган тўбига қарийб 400 минг гектарда ўрмонзор ташкил этилган бўлса, 2018 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар 1,5 миллион гектардан ортиқ майдонга шўрга,

“ СЎНГИ 40 ЙИЛ ДАВОМИДА ОРОЛНИНГ ҚУРИГАН ТЎБИДА ҚАРИЙБ 400 МИНГ ГЕКТАРДА ЎРМОНЗОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛСА, 2018 ЙИЛНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИДАН ҲОЗИРГИ КУНГА ҚАДАР 1,5 МИЛЛИОН ГЕКТАРДАН ОРТИҚ МАЙДОНГА ШЎРГА, ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР УРУЛГАН СЕПИЛДИ ҲАМДА КЎЧАТЛАР ЭКИЛДИ.

қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар урулган сепилди ҳамда кўчатлар экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” — химоя ўрмонзорлари барпо этилаётгани кум, туз ва чанг заррачалари ҳавога кўтарилишини камайитириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши ҳамда аҳоли ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсири янада юмшатиш имконини беради. Энг муҳими, Президентимиз таъкид-

лаганидек, Оролбўйи ҳудудларидаги улкан қурилиш ва обдонлик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантиради.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари билан Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан амалга оширилган вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, бу ҳужжатларда Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда экотизимни яхшилаш ҳамда муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлаш, шўрланган тупроқли муҳитдаги турли муаммоларни ҳал этиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, синовлар ўтказиш учун тажриба далаларини яратиш, инновацион технологиялар ва ёндашувларни, хусусан, агроўрмон мелиорацияси, саҳрони даракхўрға айланитириш, сув ости экинлари, биоэнергетика, экинлар диверсификацияси, экинлар комплексини етиштириш, чорвачилик, яйловларни ривожлантириш масалалари қамраб олинган. Қурғоқчиликни бошқариш, унинг оқибатларини юмшатиш, иқлим ўзгаришларига мослашувчанликни белгилаш, илгари суриш ва тақдим этиш, Орол денгизи ҳавасини экологик соғломлаштириш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш масалалари қайд этилган.

Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида махсус резолюция қабул қилиниши юқорида белгиланган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлашда янги даврни бошлаб беради.

Дарҳақиқат, мазкур тарихий ҳужжат нафақат Марказий Осиё минтақасининг экологик барқарорлиги, хавфсизлигини таъминлаш, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда савдо-ҳаракатларни бирлаштириш, тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

МАҲАЛЛА ЎЗГАРСА — ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ

УНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Асқар УМАРОВ,
Самарқанд вилоят ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Глобал пандемия туфайли дунёда юзага келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар аҳоли турмуш тарзига таъсир ўтказмай қолмапти. Бундай вазиятда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этапти.

Мамакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар глобал пандемиянинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли турмуш тарзига салбий таъсири юмшатиш ва жамиятимизни барқарор ривожлантиришда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, маҳаллабай ишлаш тизимини йўлга қўйиш орқали ҳар бир инсон, ҳар бир оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.

Айни пайтда ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этиш борасида изчил иш олиб боришмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 6 майдаги “Самарқанд вилоятида эксперимент тарқатишда маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15 – 16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича ҳам янги

сатда “маҳаллабай” ишлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, жумладан, аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда қўмаклашилади.

Шунингдек, тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланиш истагини билдирганларга замонавий асбоб-ускуна, мини-технологиялар олишда, маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам берилади. Хорижда меҳнат қилиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан иш олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, маҳаллабай ишлаш тизими орқали маҳаллий бошқарув органларини фуқароларга янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммо ва муносабатларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этиш йўлга қўйилади.

Аҳоли ва тадбиркорлар муносабатларини ҳал этишда шафқатлиликни таъминлаш ҳамда инсон омилни камайитириш асосий мезонлардан биридир. Шу мақсадда Марказ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи “Онлайн маҳалла” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. Маҳаллабай ишлашда Самарқанд таърибсининг йўлга қўйилиши маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва муносабатларни ҳал этишда ҳар жиҳатдан қўлай.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилояти фаоллари билан учрашувда сўзлаган нутқида аҳолини янги уй-жойлар билан таъминлаш режаси тўғрисида тўхталиб, “Бизда янги шаҳар қуриш таърибаси бор. Андиқонда одам кўп. Шу сабабли, шаҳар яқинида буткул бошқа шаҳар қуриш бўйича иш олиб бориляпти. Самарқандда ҳам шу ташаббусни амалга оширамиз”, деган фикрни илгари сурди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Самарқанд шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилиб, шаҳарнинг Қорасув, Ширин

ва вокзал орти ҳудудларида реновация тамойили асосида замонавий турар жойлар барпо этилади.

Хусусан, жорий йилда Қорасув массивида 3 минг 500 хонадонли 16 ва 25 қаватли 29 та уй фойдаланишга топширилади. Вокзал орти ҳудудида 3 мингга яқин эски ҳовлилар ўрнида 100 мингдан ортиқ аҳоли учун кўп қаватли замонавий уйлар қурилади. Эски ҳовлиларда яшаётган аҳоли хавотир олишига ҳеч қандай асос бўлмагани керак. Ҳаммага компенсация тўлаб берилади, уй-жой эгалари рози қилинади. Ширин массивида эса 90 минг нафар аҳолига мўлжалланган шаҳарча барпо этиш орқали, парклар ва дам олиш масканларини қуриш ишлари бошланади. Мазкур уй-жойлар қурилишини бошлаш учун вилоят ҳоқимлигига 2 йил муддатга 200 миллиард сўм ссуда маблағлари ажратилади.

Муҳим янгиликлардан яна бири шундаки, Ургут туманида Самарқанд давлат университетининг филиали ташкил қилиниб, тиббиёт факультети очилди. Айни пайтда Ургут туманида 550 минг аҳоли яшади. Давлатимиз раҳбари бу ерда тадбиркорликни ривожлантиришга асос борлигини қайд этиб, “Ургут” эркин иқтисодий зонасига берилган имтиёزلарни барча туман ва шаҳарларга қўллаш ҳамда ҳар бирига камида 50–100 миллион доллар инвестиция жалб қилиш ҳисобига 200 гектар майдонда 1 миллиард долларлик қўшимча саноат лойиҳаларини амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. Лойиҳаларни янада сифатли ишлаб чиқиш учун Лойиҳалар фабрикасининг “Ургут офиси” ташкил қилинади.

Жаҳон маданиятининг бешикларидан бири бўлган Самарқанд шаҳри 1 миллион аҳоли яшайдиган йирик шаҳарга айланади ва бунинг учун вилоятнинг Самарқанд, Пастдарғом, Тайлоқ ва Окдарё туманлари ҳудудидан 18 минг гектар ер майдони қўшиб берилади. Президентимиз вилоятнинг маъмурий марказини Гулобод кўрғонига кўчириш бўйича Самарқанд вилояти фаолларининг таклифларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Йил охиригача Самарқанд шаҳрининг

бош режа лойиҳаси ишлаб чиқилади ва бунга хориждан ҳам мутахассислар жалб қилинади. Шаҳар кенгайгач, маҳаллалар ҳам кўпайиши табиий. Бунинг учун эса, энг аввало, инфратузилма шакллантирилиб, одамларга яшаш учун замонавий шароит, сайёҳлик учун қўлай муҳит яратиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бошқарув тизимини яхшилаш учун Самарқанд шаҳрида кейинчалик босқичма-босқич Сўғдиёна, Сибё, Богшамол, Мароқанд ва Қорасув каби 5 та янги туман ташкил этилади.

Кейинги йилларда маҳалла раисларининг мақоми оширилиб, ваколатлари кенгайтирилди. “Иш бошида ҳикмат кўп” деганларидек, энди маҳалла раиси қонунчиликда ўзига юқлатилган ваколатлардан тўғри фойдаланиб, фаолларни, бутун маҳалла аҳлини хайли ишларга сафарбар этиши, орқасидан эгартириш олиши зарур. Шунинг учун биз “Маҳалла раиси қандай бўлиши керак?” деган саволга эски қопилдаги жавобдан воз кечиб, унинг фаолияти мазмунини мутлақо ўзгартирялмиш.

Маҳалла раиси, аввало, жамият олдига қўйилган мақсад ва устувор вазифаларни ўзи раҳбар бўлган ҳудудда амалга ошириш учун шижоат, ақл-идрок, вазминлик, теранлик ва донишмандлик хислатларига эга бўлиши лозим. Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда, маҳалла раисининг виждони доимо уйғоқ, тафаккури юксак ва дунёқароши кенг бўлиши зарур. Маҳалла жамиятининг ҳам кўзи, ҳам қулоғи, ҳам уйғоқ виждони бўлиши керак. Маҳалла ҳудудида ҳар хил ет фоялар таъсирига берилувчи оилалар, ёшлар бўлмағлиги учун тизимли равишда чора-тадбирлар ва тарғибот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Ҳар бир оилга кириб, одамларнинг дардини эшитиш масаланинг бир томони. Муҳими, аниқланган муаммо ва камчиликларга ўз вақтида ечим топиш. Негаки, одамлар маҳалла раисига давлат вакили сифатида ишонди, умид қилади. Агар муаммоси ҳал бўлмаса, иккинчи марта шу оилга борилганда “Нимага келдингиз, барибир ҳеч нарсани ҳал қилиб бермас экансиз-ку”, деб айтиши табиий. Бундай савол бўлмағлигига эришиш учун маҳалла раиси ислохотчи ва фидойи бўлиб, элнинг қувонч ва ташвишлари билан яшashi лозим.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллабай ишлашда Самарқанд таърибаси аҳоли бандлигини таъминлаб, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишларига ёрдам беради. Маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириб, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини самарали ҳал этади.

БЕШИНЧИ ТАШАББУС

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ НАЗАРДА TUTАДИ



5 МУҲИМ ТАШАББУС

✓ Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг **45** фоизини хотин-қизлар ташкил этади.



✓ “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида **126** мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди.

✓ “Беш муҳим ташаббус” доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, **10 000** нафар аёл бандлиги таъминланди.



✓ Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб **215** минг оилага **6** триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

✓ **75** та туманда **111** та тикув-трикотаж ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилиб, уларга жами **35 000** нафардан ортиқ хотин-қиз ишга жойлашди.



✓ Уй-жой сотиб олиш учун **1** минг **250** нафар опа-сингилларимизга қарийб **22** миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

✓ Қарийб **55** минг нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касб-хунар марказлари томонидан ўқитилди, хунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди.

✓ Республика бўйича **15** та “Ишга марҳамат” мономаркази, **30** та шаҳар ва туманда касб-хунарга ўқитиш маркази, **136** та маҳалла фуқаролар йиғинида ўқув масканлари фаолият кўрсатяпти.



✓ Инқирозга қарши кураш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам **17 000** нафар хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

✓ **432 000** нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган, уларнинг:

✓ **167,6** минг нафарининг бандлигини таъминлашга ёрдам берилади;

✓ **50** минг нафарини корхоналардаги бўш ва захираланган иш ўринларига жойлаштириш;

✓ **45,4** минг нафарини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

✓ **8,4** минг аёлга субсидиялар ажратиш орқали ўзини ўзи банд қилиши;

✓ **36,4** мингдан ортиғини касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш асосида бандлигига кўмаклашиш ишлари олиб борилади.



5 МУҲИМ ТАШАББУС



Мамлакатимиз аҳолисининг 49,7 ва меҳнат ресурсларининг 45 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келади. Демак, юртимиздаги ижтимоий масалаларнинг аксарияти улар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Қўлай ва самарали ечимлар



77,8 минг нафарига бандлик хизматлари кўрсатилди. Шундан 21,2 минг аёл ишга жойлаштирилиб, 16,2 минг нафари жамоат ишларига жалб қилинган бўлса, қолганлари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Улардан 4,8 минг аёлга ишсизлик нафақаси тайинланди ва тўлаб берилди.

Бу тизимдан қўзланган мақсад хотин-қизларга фақат моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш эмас, балки уларни ишга жойлаштириш орқали доимий даромад манбаи билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришдан иборат.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг таърифига кўра, камбағаллик — бу инсоннинг асосий эҳтиёжлари, жумладан, озиқ-овқат, тоза ичимлик суви, санитария иншоотлари, соғлиқни сақлаш,



ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ

Сўнгги йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада маҳалла даражасига юритилган вертикал тизим яратилди. Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис уринбосари, туманда маҳалла ва оила бўлими бошлиғи уринбосари ҳамда 2 нафар мутахассис, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрда жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама-сиёсатидан ўтказилган видеоселектор йўналишидаги ташаббуси билан хотин-қизлар масалалари бўйича янги иш тизими — ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "Аёллар дафтари" жорий этилди. Мазкур тизимнинг жойлардаги натижадорлиги ҳамда Президентимиз ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим ХУСАНОВ** билан суҳбатлашдик.

— Юртимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш белгилаб олинган янги асосий йўналишларидан бирига айланган. Бу борадаги ишлар бир неча йил аввал бошланган эди. Аммо тан олиш керак, ўтган йили "Аёллар дафтари" жорий этилгач, ушбу йўналишдаги савий-ҳаракатлар янада фаоллашиб, аниқ натижалар кўринадиган бўлади.

— "Аёллар дафтари" ҳар бир хотин-қиз билан манзилли ишлаш, мутлақо янги ва тизимли вазифаларга асосланган ўзига хос механизм сифатида йўлга қўйилди. Авваллари биз аёлларни иш билан таъминлаш ҳақида гапирардик, аммо қанча аёл ижтимоий ҳимояга муҳтож, қанчаси ишсиз, қанчаси касб-хунар урганиш истагида, деган саволларга тўлиқ жавоб йўқ эди. "Аёллар дафтари"ни шакллантириш жараёнида тегишли вазирлик-идоралар мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳар бир туман (шаҳар), маҳалла, хонадон бўйича хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, тегишлилиги бўйича йўналишларга ажратган ҳолда, амалий ёрдам кўрсатяпти.

Жорий йилнинг ўзига 253,2 минг аёлнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, шундан 131,2 минг нафарини иш билан банд этиш зарурлиги ва 36,4 минг нафари касб-хунар урганишга, 69,9 минг нафари кредит олишга, 15,7 минг нафарини касаначилик ва томорқа ишлари билан банд этишга эҳтиёж борлиги аниқланиб, "Аёллар дафтари"га киритилди. Меҳнат бозоридидаги 8 та энг муҳим йўналиш белгилаб олинди, бугунги кунга қадар уларнинг

турар жой, таълим хизматлари билан боғлиқ эҳтиёжларини тўлақонли қондира олмастик ҳолати ҳисобланади. Бунда нафақат даромад, балки ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти ҳам назарда тутилади. Яъни тирикчилик учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларни қондиришга етарли даромади бўлмаган, оғир касалликка чалинган, ишсиз аҳолини камбағал дейиш мумкин.

Шу боис, ҳозирги кунда юртимизда камбағалликни қисқартириш бўйича жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган 3 восита — камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш, инсон капитали сифатини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашдан фойдаланилмоқда. "Аёллар дафтари" айнан ана шу 3 жиҳатни қамраб олади.

— Эҳтиёжманд оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш ва инсон капитали сифатини ошириш ҳақида гапирдик. Келинг, шу икки жиҳатга кенгроқ тўхталган ҳолда, бу борада амалга оширилаётган ишларга назар солсак.

— Хотин-қизлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, доимий даромад манбаини яратиш деганда, албатта, уларни иш билан таъминлаш назарда тутилади. Бу борада Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан фаол ҳамкорлигимиз йўлга қўйилиб, ўтган даврда хотин-қизлар учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. 2020 йилда 234,8 минг аёлга бандлик хизматлари кўрсатилди, 54,8 минг нафари ишга жойлаштирилган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар яна 76 198 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимизда 432,7 минг нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилган бўлиб, меҳнат органлари орқали улардан 167,6 минг нафарининг бандлигига қўмақлашиш вазифаси белгиланган. Жараёнда хотин-қизларнинг талаб-истаклари асосида 50 минг нафарини корхоналардаги мавжуд бўлган ва захираланган иш жойларига жойлаштириш, 45,4 минг нафарини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, 8,4 минг аёлга субсидиялар ажратилиш орқали ўзини ўзи банд қилиши ҳамда 36,4 мингдан ортигини касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали бандлигига қўмақлашиш ишлари олиб борилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, юртимизда хотин-қизларнинг касб кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, уларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида жойларда сендвич ва бошқа арзон ҳамда қўлай материаллардан тезкорлик билан тивувчилик корхоналарини қуриш ҳам тадбиркорлар орасида амаллашмоқда. Шу кунга қадар 200 га яқин ана шундай корхоналар ташкил этилиб, уларга 4 100 нафардан ортиқ хотин-қиз ишга жойлашди.

Шунингдек, 75 та туманда 111 та тивувчи-трикотаж ишлаб чиқариш корхона-си ташкил этилиб, 35 минг нафар ёш хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Мазкур корхоналарга, айниқса, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент вилоятида талаб катта.

Юқорида айтиб ўтилган кейинги йўналиш — инсон капитали сифатини оширишда камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашнинг имтиёзли кредитлар ва



тўғридан-тўғри молиявий ёрдам бериш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва касб-хунарга ўқитиш сингари механизмларига ургу берилмоқда. Бунда барча ҳудудларда касб ва хунарга ўқитишда мономарказлар ташкил этиш, устоз-шогирд аъёнасини тиклаш ва кенгайтириш рағбатлантириш, "World skills" стандартларини амалиётга жорий этиш, ўқитишда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда хусусий секторни кенг жалб этиш ишларига доимий эътибор қаратиляпти. Хотин-қизлар орасида ҳам қизиқиш ортиб бораётган йўналишлардан бири — бизнес ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш даражаси оширилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 15 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 30 та шаҳар ва туманда касб-хунарга ўқитиш маркази, 136 та МФЙнинг ҳар бирида ўқув маскани ташкил этилган. 2016 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимда бор-йўғи 2 та ўқув маркази фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 181 та етди.

Ўқув курсларида 16 дан то пенсия ёшигача бўлган, иш билан банд бўлмаган фуқаролар ўқиши мумкин. Улар ўрнатилган тартибда иш қидираётган ёки ишсиз сифатида меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган, мутахассислиги бўйича мақбул иш мавжуд бўлмаган ҳолларда, йўлланмага асосан ўқув курсларига жалб этилади.

Ушбу ўқув муассасаларида 40 та касб ва мутахассислик бўйича ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқиш муддати 1 ойдан 6 ойгача.

"Ишга марҳамат" мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларига Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ўқишни тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва ўрта махсус,



шу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги "Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига бериладиган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, шу йил 1 майдан 28 та танланган туман (шаҳар)да тажриба-синов тарихида давлат маблағлари ҳисобидан субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар ажратилган ишсиз фуқаролар, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ешлар дафтари"га киритилган банд бўлмаган аҳоли билан маҳаллий меҳнат органлари ўртасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва бу борада тарафларнинг ижтимоий масъулиятини белгиловчи ижтимоий контракт тузиш амалиёти жорий этилмоқда. Ушбу туман (шаҳар)ларда Бандликка қўмақлаш давлат жамғармасининг жами 26,9 миллиард сўм маблағи субсидия, грант ва нафақалар учун сарфланиши режалаштирилган.

— Сўхбатимизни касб ва лавозимлар классификатори йўналишида давом эттирсак. Президентимиз топшириғи асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги олдида касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилган эди. Бу борада қандай янгиликлар амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатан, Президентимиз таъкидлаганидек, касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмас эди. Шу чоққа 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилган. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб-дизайнер каби ихтисосликларга ҳам олий малака талаби

Бугунги кунда 61 260 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитишга жалб қилинган бўлиб, шундан вазирлик тасарруфидидаги ўқув марказларида 17 303 нафар, бошқа давлат таълим муассасаларида 30 504 нафар, нодавлат таълим муассасаларида 5 162 нафар, устоз-шогирд аъёнаси бўйича 8 291 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда. Шундан 39 минг нафари хотин-қизлардир.

Яна бир янгилик, Президентимиз томонидан "Ижтимоий шартнома" тажрибасини кенг қўллаш, бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлаштириш, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий қўмақ кўрсатилиши бўйича топшириқлар берилган эди. Ана

Президентимизнинг 2020 йил 31 декабрдаги "Малакаларни баҳолаш тизимини тўбдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, 12,1 мингга яқин хизматчининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишлаб чиқилди ҳамда "Ўзстандарт" агентлигидан рўйхатдан ўтказилди. Аввалгисидан фарқли тарзда янги классификаторда таълим даражаси талаблари бекор қилиниб, бунинг ўрнига Миллий малакалар рафқаси даражаси бўйича талаблар белгиланди. Хусусан, "веб-дизайнер" лавозимига қўшимча 2 та лавозим — олий маълумот талаб этиладиган 6-малакали "веб-дизайнер" ҳамда касб-хунар коллежи дипломи билан қабул қилинадиган 4-малакали "веб-дизайнер" киритилди.

Шунингдек, классификаторда асосий лавозимларга ишга қабул этиладиган IT мутахассислиги бўйича номзоднинг таълим даражаси иш берувчи томонидан белгиланади ва ушбу лавозимга касб-хунар коллежлари битирувчилари қабул қилиниши имконияти яратилди.

Классификаторга кўра, ҳозирги кунда олий маълумотсиз ишлаш мумкин бўлган 8 332 та касб ва 294 та маълумот талаб қилинмайдиган ишчи касблар мавжуд. Бундан ташқари, қарор билан янги классификаторда таълим турлари бўйича ўрнатилган талаб бекор қилиниб, касбий талабларга асосан таълим даражаси белгиланди. Бунга кўра, олий таълим даражаси талаб этиладиган касб ва лавозимлар 29 фоиз, ўрта ва ўрта махсус 70 фоиз, малака талаб этилмайдиганлари эса 1 фоизни ташкил этапти. Ушбу ўзгариш ва янгиликлар кўпроқ аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кўйилган. Ваҳоланки, ушбу касбларни IT марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Амалиётда олиб қарайдиган бўлсак, юртимизда ишга жойлаштиришга муҳтож ёшлар ва аёлларнинг ўрта ҳисобда 7 фоизи олий маълумотли, 45,9 фоизи ўрта махсус ва 47,1 фоизи ўрта маълумотлилардир. Ана шу жиҳатлар олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш заруратини юзага келтирди.

Аввало, касб ва лавозимлар классификатори тушунчасига тўхталсак. Кўпчиликка нотаниш бўлган бу сўз иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат шартномаси тузиш жараёнида лавозимларнинг тўғри кўрсатилиши ҳамда ишчилар тоифасини белгилаш ва табақалаштиришнинг омили ҳисобланади. Шу билан бирга, классификатор асосида ўқув ва таълим муассасаларида касбга тайёрлаш йўналишлари ва малака даражаси белгиланади.

Мамлакатимизда биринчи марта 2010 йилда хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори жорий қилинган. Уша вақтлари унда 8 мингдан ортиқ лавозим ва касблар мавжуд бўлган. Кейинчалик, 10 йил давомида классификатор бир неча бор янги касблар ва лавозимлар билан тўлдирилди.

— Янги Ўзбекистон" муҳбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.





МЕҲР-МУҲАББАТ, МЕҲНАТСЕВАРЛИК ЙЎЛИ

**Лола МУРОТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Олтиариқ туманидаги
“Нурли обод” фермер хўжалиги раҳбари**



балки амалий ишлар билан. Масалан, ёшларга ажратилган дала шудгорланиб, сув чиқариб берилаяпти, сара уруғ келтирилиб, экинни парваришлашига, олган ҳосилни сотишгача яқиндан ёрдам кўрсатилаяпти.

Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган беш муҳим ташаббус доирасида хотин-қизларни иш билан банд қилиш, таълим ва касбий кўникмаларини бойитиш, эҳтиёж ва қи-

анъаналари асосида маҳалла ёшларига касб-хунар ўргатилмоқда.

Туманда тadbиркорлик йўналишида мустақил иш бошламоқчи бўлган 75 нафар ташаббускор хотин-қизга 800 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилиб, 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Бундай эзгу ишлар вилоят миқолида умумлаштиришда катта ҳажмга айланади.

Ўтган йили 354 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олди. 476 тонна пахта етиштирилди. Заиф туپроқни унмдор қилиб, юқори ҳосил олишда 200 нафарга яқин хотин-қиз фаол. Уларнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлаши, қабарган қўллари билан чўллар бўстонга айланмоқда, экин майдонларимиз ҳосилдорлиги мутасил ошиб бормоқда. Хўжалигимизда меҳнат қилаётган одамларнинг тўқис-туғал шароитда ишлаши, дам олиши учун ҳамма имконият бор.

Айни кунда ёш фермер қизлар мактаби фаолиятини йўлга қўйдик. Эътиборли жиҳати, бу жабҳада меҳнат қилиш истагида бўлган ташаббускор ёшлар кўпчилигини ташкил қилади.

Жимитдек бўлса-да, ғайрат-шижоатга тўлган Гулсанам Мамаризаева, Зарифа Содикова сингари ўқувчи қизларимиз экин экишдан тортиб, ўрим-

йиғим, терим ишларида фаол бўлиб келишмоқда. Ипак курти парвариши авж олган айни паллада соҳада янада билим ва кўникмаларга эга бўлишяпти. Муҳим, меҳнатсевар, қатъиятли бўлажак фермер қизларимиз деҳқончилик сирлари қатори юртга муҳаббат, ерга садоқат, собитқадмлик бобида кўпдан сабоқ олмоқда. Улар юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислохотлар давомчилари.

Президентимиз ўтган йил 5-6 июнь кунлари вилоятимизга қилган ташрифи чоғида Марғилондаги Хунармандлар марказида ўтказилган учрашувада “Менинг энг катта ислохотим — ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш. Бу — Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади”, дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, шундай. Мамлакатимиз бўйлаб қўл оч ёйган ҳаётбахш ислохотлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва ҳаётдан рози бўлиб яшашлари йўлидаги амалий тadbирлар бугунги кунда дилбар Фарғонамизнинг ҳар бир оиласи, хонадониди буй кўрсатиб турибди.

“

Ўтган йили 354 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олди. 476 тонна пахта етиштирилди. Заиф туپроқни унмдор қилиб, юқори ҳосил олишда 200 нафарга яқин хотин-қиз фаол. Уларнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлаши, қабарган қўллари билан чўллар бўстонга айланмоқда, экин майдонларимиз ҳосилдорлиги муттасил ошиб бормоқда.

ҚИЛАЁТГАН ТАШАББУС

Фарғона — водий марвариди, аёллари унинг дилбар табиати тимсоли. Улар жамиятнинг ҳар бир соҳасида улкан ишларнинг уддасидан чиқиб, ўзларига билдирилган ишонччи оқламоқда.

Аёл қалби баҳор янглиғ гўзаллик ва эзулик яратувчиси, меҳр-муҳаббат, шодлик ва ҳаётсеварликнинг ибтидоси, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги ўзбек аёллари билим ва тажрибаси, ташаббускорлик салоҳияти билан жамиятимизда ўз мавқеига эга. Улар фермерлик ҳаракати, кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, таълим, фан, маданият, санъат каби йўналишларда фаолиятини кўрсатиб, янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этаётир.

Албатта, булар ўз-ўзидан бўлиб қолмаётгани йўқ. Бу, аввало, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, эҳтирмининг амалий ифодаси.

Чўл ҳудудларга дастлаб келганимда ернинг аянчи аҳолини кўриб, Қўқон шамолига қўшилиб учиб кетишимни тасаввур қилиб йиғлаганман. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолати, қум, шўр ерларда пахта етиштириш осон бўлмаган. Сал шамол турса, барча майдонлар қум билан қопланарди. Ҳаммасига қўл силтаб кетишга гурур йўл бермайди. Бугунгидек имтиёз, имконият, қўллаб-қувватлашлар қаёқда дейсиз. Ҳамма тепадан туриб буйруқ бериш, талаб қилиш билан овоза эди.

Ҳақиқатан кейинги йилларда ҳаёт тўбдан ўзгарди. “Маҳаллабай” тизим йўлга қўйилиши билан ҳар бир хонадонда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Ҳар жойда қўмак, қўллаб-қувватлаш сезилади. Ўғит-насиҳат билан эмас,

зиқишларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар аёллар қаддини тиклади, фаолиятини оширди.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, кеча оддий уй юмушларини бажариш билан андармон бўлиб юрган аёл бугун нафақат оила бекаси, балки йирик тadbиркор, экспортга маҳсулот йўллаётган корхона раҳбари ҳамдир.

Олтиариқ туманимизда “Аёллар дафтари”га киритилган 1 821 нафар аёл 9 тоифага ажратилди. Бугунги кунда улар бандлигини таъминлашга, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз томорқасида иссиқхона, асаларичилик, паррандачилик, қўйчилик, қорамолчиликни йўлга қўйиш учун амалий қўмак берилаяпти.

Умрларидан барака топишсин, эндиликда чекка ва олис ҳудудларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари, пиширик, тикувчилик, аёллар гўзаллик салони каби кичик бизнес шаҳобчалари ишга туширилмоқда. “Устоз-шоғирд”



“ҲАЁТИМ АСТА-СЕКИН ИЗГА ТУША БОШЛАДИ...”

Бугун аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз томонидан янгича тизим жорий этилгани эса ушбу ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижобий натижа бермоқда.

— Туманимизда 3 343 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилган, — дейди Иштихон туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Нилуфар Явқочева. — “Маҳаллабай”, “Хонадонбай” тизим асосида шу пайтгача 457 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилди. 162 нафар аёлнинг бандлиги ўзини ўзи банд қилиш орқали таъминланган, 66 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилмоқда. Шунингдек, 240 нафар аёлга Халқ банки ва Агробанк туман филиаллари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. 2021 йил 1 май ҳолатига кўра, туманимизда доимий даромадга эга бўлмаган, 1-гурӯх ногиронлиги бор, уй-жойини таъмирлашга муҳтож, нотуғай жойларда истиқомат қилувчи, оғир касаллиги бўлган 662 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари” рўйхатида қолди.

— Ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Бунинг ўз ҳаётиим соҳида кўрдим, — дейди Иштихон тумани Ногорчи қишлоғида яшовчи Наргиза Абдуллаева. — Камбағалроқ хонадонда ўсиб-ўлғайдим. Аммо оиламиздаги тоғувлик ҳар қандай қийинчиликдан устун

эди. Шундан бўлса керак, ота уйдан бахтга бурканиб узатилдим. Афсуски, бу бахт омонат экан. Икки ёшли гўдагимни бағримга босиб ортага қайтдим. Тақдир дея аламларимни ичгимга ютдим. Ҳеч кимга ёзғирмадим. Бор меҳримни фарзандимга, кучимни меҳнатга сарф қилаяпти. Турмуши ўхшамагач, ёлғиз фарзандимни ўзига суяччи билиб, воёга етказди. Бунда онаси Бонат опанинг кўмаги катта бўлди. Наргиза ўтган кунларни эсларкан, отаси ҳақиқа тинмай дуо қилади. Чунки Баҳриддин аканинг қўллаб-қувватлаши билан Наргиза Каттакўрғон шаҳар педагогика коллежига ўқишга кирди. Уша пайтлар отаси қизининг орзу-истакларига эътибор бермасдан узатгани учун ўзини айблаб юрди. Шу боис, рўзгордаги

етишмовчиликларга қарамасдан қизини касб-хунари қилишга аҳд қилди. Наргиза фарзанди билан ижара уйда яшаб ўқиди.

— Очиғини айтишим керак, қўлимга диплом теккан чоғда иш тополдим, — дейди у. — Бир мuddат уйимиздан беш чақирим узоқликдаги мактабга ишга катнаганман. Ушанда олган маошим йўлқирамга ҳам етиб-етмасди. Кейинги

йилларда юз берган ислохотлар айнан мен каби хотин-қизлар ҳаётида катта ўзгаришлар ясади. Ўтган йилнинг 26 февраль кун Президентимиз раислигида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг йиғилишдаги гапларини эшитиб, йиғлаб

юбордим. Барча муаммоларим ҳал этилиб, истакларим рўёбга чиққандек бўлди. Тўғри-да, Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш мақсадида “Аёллар дафтари” жорий этилди. Унда мен каби хотин-қизлар билан бевосита мулоқотлар чоғида дарду ташвишларимиз, уйлантираётган масалалар ўрганилди. Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Сир эмас, оилавий ажрашишлар, ишсизлик, етишмовчилик оқибатида уй-жойга муҳтож бўлиб яшаётган аёллар ҳали ҳам кўп. Муҳокамалар чоғида Президентимиз уларга муносиб шароит яратиш лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, давлат ҳимоясига олинган аёлларнинг асосий муаммоси — ишсизлик. Бу эса, янада катта муаммо — иқтисодий етишмовчиликни юзага келтирмоқда. Маълумотларга кўра, мутасаддилар олдида 2021 йилнинг тўққиз ойи якунига қадар ижтимоий ҳимояга муҳтож жами 221 минг нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилган. Албатта, бу осон иш эмас...

— Мана, ҳаётим аста-секин изига туша бошлади, — дейди Наргиза. — Чунки давлатимиз томонидан хотин-қизлар тadbиркорлиги қўллаб-қувватланиб, уларга имтиёзлар яратилди.



Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, 2020 йил декабрь ойида “Янги авлод зиёси” оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этдим. Бу фаолиятни бошлаш учун “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури асосида 29 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ҳозир ушбу муассасада 5 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Энди ишимни кенгайтирмоқчиман. Бунинг учун аниқ режа тузиб олганман. Бугун ҳаёт ҳам, талаб ҳам ўзгача. Кимгадир ёрдам қўлини чўзиш ёки кимдандир қўмак олиш имконияти бор. Шу ўринда айтмоқчиман, отам оламдан ўтгандан сўнг онам яшаб турган уйимизда ушбу муассасани ташкил этишга рухсат берди. Бунинг учун онам олдида ҳамма таъзимдаман. Яна бир гап. Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли йиллаб йиғилиб ётган қўллаб муаммоларимиз кўзга ташланди. Айтин-чи, шу пайтгача бирор мансабдор уйимизга келиб ҳол сўраганми?

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди, гап унинг ечимида. Шу боис ҳам аҳоли билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилиб, уларни қийнаётган муаммоларга эътибор қаратилаяпти. Айниқса, одамларнинг талаб ва истаклари асосида ишлаш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш тамойили мақсад ва мuddоамизга айланди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўйган талаби ҳам халқни бугунидан рози қилибди.

**Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ТАШАББУС

Жиззах тажрибаси:

ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛИ ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАЖМУАЛАРИ

Вилоятда 2019–2021 йилларда 24 та тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуаси қурилади, уларда камида 7 минг 300 та янги иш ўрни яратилади

2019 йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Унда хотин-қизлар бандлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Орадан икки ойдан сал қўпроқ вақт ўтиб, яъни ўша йилнинг 28 май куни давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эса, айнан ана шу бешинчи ташаббус ижросини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли бўлди.

Зеро, мазкур ҳужжатда ҳудудларда енгил конструкцияли қурилиш материалларидан бунёд этиладиган ёки бўш турган бино ва иншоотлар негизда ташкил этиладиган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуаларни яратиш, уларда асосан ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этиш белгилаб берилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш бора-сида Жиззах вилоятда ҳам тизимли ишларни амалга ошириш кўзда тутилди. Масалан, унинг 1-илоҳасида вилоятда 2019-2021 йилларда 24 та тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиб, уларда камида 7 минг 300 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган эди.

Айтиш жоизки, воҳанинг қарийб барча ҳудудлари, аввало, марказдан узоқ бўлган Янгиобод, Фориш, Мирзачўл, Зарбдор, Арнасой каби туманларда қисқа муддатда юзлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаган битта-иккитадан ана шундай мажмуалар барпо этилди. Чекка қишлоқ ва маҳаллаларда эса, бундай корхоналарнинг филиаллари иш бошлади.



Маълумки, "Обод қишлоқ" ва "Обод марказ" дастурларига айнан Жиззах вилоятда тамал тоши қўйилган эди. Дўстлик туманининг Манас қишлоғи ва Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида амалга оширилган лойиҳаларда худди мана шундай тикувчилик корхоналарини қуриш ҳам кўзда тутилди ва ушбу режалар муваффақиятли амалга оширилди.

— Бизнинг корхонамиз бу борадаги "қалдирғоч"лардан бири бўлди, — дейди "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси" МЧЖ раиси Сирождин Назаров. — Бир томондан "Обод маҳалла" дастури асосида бунёдкорлик ишлари давом этаяверди, бу ёқда бизнинг жамоамизга аталган бино ҳам қад ростлай бошлади. Вақтни беқор ўтказмасдан, 120 ўринли мажмуамиз биносининг тайёр бўлган қисмида кам таъминланган

хонадонларнинг хотин-қизларини ишга олдик. Улар "Обод қишлоқ" дастури бўйича ишлаётганларга зарур бўладиган буюмлар — коржомалар, ишчи кўлқоплари тиқиш билан ҳам тажриба ошириб боришди, умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди.

Бундан уч йил аввал Манас қишлоғида қисқа вақтда бир эмас, иккита тикувчилик корхонаси иш бошлади. Уларда қишлоқнинг 120 нафардан ортиқ аёллари иш билан таъминланиб, чеварлик сирасорларини ўрганди. Даставвал, оддий уй-рўзгор буюмлари тайёрлашдан иш бошлаган манаслик хотин-қизлар бугун ўз ишининг усталарига айланган. Энди уларнинг қўлидан чиқаётган маҳсулотларни республикамизнинг турли бурчларида, ҳатто, хориж бозорларида ҳам кўришингиз мумкин.

— Президентимиз ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган "Обод қишлоқ" дастурининг чинакам халқчил, узоқни ўйлаб бошланган иш бўлгани бизнинг маҳалламиз мисолида ўзининг ёрқин исботини топди, — дейди маҳалла раиси ўринбосари Соатхон Ғайбуллаева. — Бўлмасам, чекка бир ҳудудда бичиш-тиқиш чеҳи иш бошлайди, деб ким ўйлабди дейсиз. Бизни мамнун қиладиган томони, бошида бўш турган ва мослашмаган иморатда фаолият бошлаган тикувчиликнинг кўп ўтмай янги замонавий биноларга қўчиб ўтишди, хорижнинг энг сўнгги русумдаги жиҳозлари билан ишлаш имкониятига эга бўлишди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда хотин-қизларни барча соҳаларда қўллаб-қувватлаш, уларга ўзларининг намоён этиши учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу сўзлар тасдиғини Жиззах вилоятининг яна бир чекка ҳудуди — Янгиобод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан атиги икки йил муқаддам ушбу туманда битта ана ҳам шарт-шароити йўқ эди. "Янгиобод баракка чеварлари" МЧЖнинг ташкил топиши билан ана шу камчилик барҳам топди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмни ташкил этган ушбу енгил конструкцияли тикувчилик цехининг фойдаланишга топширилиши орқали 100 нафардан ортиқ хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойининг сўнгги кунларида Жиззах вилоятига ташрифи давомида Зарбдор туманида қад ростлаётган "Зарбдор текстил" МЧЖ да бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Шу ернинг ўзида воҳада бундай корхоналар сонини кўпайтириш, худудда етиштирилган пахта хомашёсини шу ернинг ўзида қайта ишлаш, маҳаллий аҳоли, биринчи галда, хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Шундан кейин вилоятда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Зарбдор туманининг Бўстон шаҳарчаси ҳудудида фаолият бошлаган "Бетлиз Текстил" тикувчилик

корхонаси 350 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Цехда яратилган шарт-шароитлар бутун воҳада эътирофга сазовор. Кенг-мўл ишлаб чиқариш цехлари, дам олиш хонаси, икки маҳал иссиқ овқат — буларнинг бари жамоа меҳнат унвондорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Мен каби тикувчилик касбига қизиққан, замонавий корхонада ишлашни орзу қилган тенгдошларим жуда кўп эди. Ушбу цехнинг ишга туширилиши ниятларимизни рўйга чиқарди, — дейди корхона ишчиси Мадина Камолова. — Ўзимиз тиккан болалар ёки катталар кийимини бирон-бир хаморимиз эғнида кўрсам, қалбим қувончга тўлади, бунга имконият яратган давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтгим келади.

Бундан икки йил аввал — Мустақилликнинг 28 йиллиги арафасида Фориш туманининг Хонбанди маҳалласида тикувчиликка ихтисослашган "Фориш чеварлари" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхона ишга туширилиши натижасида шу пайтгача ҳеч қаерда ишламаган 130 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бир вақтнинг ўзида мажор жамиятнинг Гараша ва Яс-сикечув қишлоқларида 10 нафардан 20 та, Ўҳум маҳалласида 24 та иш ўрнига эга филиаллари ҳам фаолиятини бошлади.

— Корхонамиз "Шўртнағзим", "Ўзватойў" корхоналари билан шартнома имзолаган, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор Нодира Исомиддинова. — Уларга буюртма асосида махсус коржомалар тикиб берамиз. Бундан ташқари, ўқувчилар учун мактаб формаси, болалар кийимлари, спорт формалари тикиляпти. Куни кеча 2 минг дондан ортиқ маҳсулотимиз Қозғистон Республикасига экспорт қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан етказиб берилган 50 донга замонавий тикув машинаси, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг 200 миллион сўмлик имтиёзли кредити корхона фаолиятини янада яхшилашда муҳим омили бўлмоқда.

Ушбу мақола тайёрланаётганда Бахмал туманидан хушхабар олинди. "Президентимизнинг "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Ўснат шаҳарчасида тикув-трикотаж фабрикаси биноси қуриб битказилди, — деди телефон орқали туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг ўринбосари Холниса Боймуродова. — Май ойи охиригача ушбу корхона ишга тушади. Туманими аёлларининг қувончларини чексиз. Бойси, яна санокли кунлардан кейин уларнинг 150 нафари доимий иш билан таъминланади".

Худойберди КАРИМОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ТАДБИРКОРГА ДАРОМАД, ОТА-ОНАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК, АЁЛЛАРГА ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ



Вақт қимирласак ҳам, қимирламасак ҳам ўтаверди. Тонг отади, кун ботади — чархи дун айланади. Унга бизнинг ҳаётимиз мазмунли ўтятипти ёки акси, фарқи йўқ. Умримизга файз киритиш эса ўз қўлимизда.



Ҳасина Ҳайратова оғил суратлари

Сўнгги йилларда жамиятда аёлларга бўлган эътибор кучайди. Гендер тенглигини таъминлаш, аёллар учун меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг билими ҳамда салоҳиятини тўлақонли рўйга чиқаришга қаратилган тизимлар яратилди. Айниқса, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ва маънавий кўмакка муҳтож оилалар, аёллар, ёшлар руҳияти шакллантирилди. Шу қаторда уларнинг тадбиркорлигига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқдаки, бунинг ортидан қўллаб-қувватлаш ишлари яратилиб, жамиятда аёлнинг маънави кўтарилимоқда.

Ангрэн шаҳридаги "Гулбоғ" маҳалласига йўлимиз тушиб, нафақат ўзи ва оиласи, балки маҳалласи ва ҳатто қўшни маҳалладагиларнинг ҳам жонига оро, ҳаётига ёруғлик киритаётган ёшлардан бири билан танишдик.

Дилрабо Эгамова Ангрэннинг "Овлик" маҳалласида туғилган. Гулбоққа келин бўлиб тушган. Икки фарзанди бор. Рўзгор юмушлари, фарзандлари таълим-тарбияси билан кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган Дилрабони бундан икки йил аввал "Гулбоғ" МФЙ раислигига янги сайланган Васила Қосимова йўқлади. Дарвоқе, ўша пайтда қаҳрамонимиз Тожкент давлат техника университетининг 2-курсиди таҳсил олаётган эди. Васила опа Дилрабога Президентимиз тадбиркорликка, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очаётганини айтиб, маҳалла болалари учун оилавий нодавлат мактабга таълим муассасаси, содда қилиб айтганда "уй-боғча" ташкил этиш таклифини айтди. Таклифни қабул қилса, маҳалла аҳли учун анча қўлайлик яратилишини, бу йўлда унинг ёнида ўзи бўлишини, қўллаб-қувватлашини билдирди.

Дилрабо уйга келиб, қайнота-қайнонаси, турмуш ўртоғига маслаҳат солди.

Улар таклифни қўллаб-қувватлади. Бойси, маҳалла маҳалла бўлиб боғча кўрмаган, бу ернинг болалари қўшни маҳалла ва шаҳар марказига қатнаган. Қолаверса, айни шу хонадон болалари ҳам бошқа маҳалла боғчасида тарбияланиб, йўл азобини кўп кўрган. Маҳалла тоққа яқин худуд бўлгани учун қишининг изгирини ота-оналарга ҳам, болаларга ҳам ноқулайлик туғдирарди.

— Биз ҳали бир қарорга келмай маҳаллада боғча очилаётгани ҳақида хушхабар тарқалди кетди. Уйимиздан фарзандини боғчага бермоқчи бўлган кўни-қўшни, маҳалладошларнинг қадами узилмай қолди, — деб эслайди Дилрабо Эгамова. — Шу тариқа ўз-ўзидан ҳаракат бошланиб кетди. Имкониятимизни ишга солиб, уларни таъмирладик. Хотин-қизлар жамғармасидан 30 миллион сўм миқдорда 6 ой имтиёзли давр билан 3 йил муддатга кредит ажратилди. Жиҳозлар, машгулотлар учун кўргазмалар сотиб олдик. Шаҳар мактабга таълим бўлими ҳар бир ишимизда бош-қош бўлди. Маҳалла кўмак

бериб турди. Хоналар шу қадар шинам бўлдики, бу ерда ишлаш истагини билдирган хотин-қизлар мувожазати қўлай-гандан-қўлайди. Мактабга таълим бўлими билан ҳамкорликда таълим-тарбия беришда маҳорати ва тажрибаси бор 15 нафар аёлни ишга қабул қилдик. Ошпаз, шифокор, логопед ва тўғарак раҳбарлари ҳам болаларнинг соғлом улғайишида бор маҳоратини ишга солиб меҳнат қиялпти.

Тарбиячиларни ишга олишда мажбурийликнинг ёрдами катта бўлди. Улар қаторида шу пайтгача ҳеч қаерда ишламаган, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"даги хотин-қизлар ҳам бор эди.

— Маҳалламизда 1 727 хотин-қиз яшайди, — дейди "Гулбоғ" МФЙ раиси Васила Қосимова. — "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар билан тизимли ишлашни йўлга қўйганмиз. Маҳалламизда неча йиллардан буён ечимини топмай келаётган масала — таълим-тарбиянинг қуйи бўғини саналган мактабга таълим ташкилоти очиб эди. Дилрабо оғир-бо-сиқ, мулоҳазали, шу билан бирга, ҳаракатчан бўлгани боис унга шу таклифни

бердик. Боғча очилса, фақат ота-оналар ва болалар эмас, бошқалар ҳам хурсанд бўлишини тушунирдик. Дилрабо бу ишнинг удрасидан чиқди. Болалар боғчалари, аёллар ишли бўлди. "Ёшлар дафтари"га киритилган Гуллола Ҳикматова боғчада ишли бўлганидан хурсандлигини айтиб чарчамайди. Айни пайтда "Темир дафтар"даги Зиёда Холваннинг ҳужжатлари ҳам расмийлаштирилмоқда.

Дилрабо Эгамова икки йил давомида ўз устида ишлади, маркетингни ўрганди. Тарбиячиларни ҳам шаҳардаги тажрибали мутахассислар ишини ўрганишга рағбатлантирди. Шу тариқа кичикинтойлар маскани — "Кўёшли болажон"га фарзандини олиб келувчи ота-оналар сони кўпайди. Гулбоғдан ташқари Янги Гўштсей, Овлик, Азим ота, Кучбулоқ маҳаллаларидан ҳам фарзандларини шу муассасасига олиб келаётган ота-оналар бор. Дастлаб 25 ўрин билан иш бошлаган Дилрабо кейинчалик 100 нафар болажон таълим-тарбия олиши учун шароит яратди. Гулбоғдан ташқари Гўштсей маҳалласида ҳам 25 ўринли оилавий мактабга таълим ташкилоти очди. Болалар учун тўлов 206 миңдан бошланади. Икки ва ундан ортиқ боласи шу муассасасга келади, дилрабо

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар учун имтиёзлар мавжуд. Агар бола қўшимча тўғарақларга қатнашса, 300 миң сўм тўлайди. Болаларга 3 маҳал иссиқ овқат берилади.

Дилноза Мақказиева — тарбиячи. Дипломи бўлишига қарамай иссиқ эди. Маҳаллада "уй-боғча" очилди-ю, унинг орзуси ушалди. Бугун маҳалла кичикинтойларига таълим-тарбия берапти. Вақтида мазмун, баракка бор. Аввал рўзгор ва томорқа ишлари билан банд Дилноза эндиликда уйни ҳам, боғчини ҳам удралапти. Чунки яхши жамоада ишлайди, маоши оилага қўшимча даромад. Ўзининг айтишича, болалар билан ишлаш унга қувват беради.

Дилнозанинг даромади фарзандларининг яхши таълим олиши, соғлом улғайиши учун асқотаяпти.


Мактабга таълим ташкилотида машгулотлар "Илк қадам" давлат ўқув дастури асосида олиб борилади. Бу ерда яратилган шароит ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Гуруҳларда ривожлантирувчи марказлар мавжуд бўлиб, уларда ишлаш болаларнинг ақлий, ҳиссий, жисмоний ривожланишига қаратилган. Машгулотлардан ташқари мактабга тайёрлов гуруҳлари учун қўшимча тўғарақлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Кичикинтойларнинг вақти инглиз, рус тиллари, гимнастика ва ментал арифметика машгулотларида қизқарли ва мазмунли ўтмоқда.

Дилрабо турмуш ўртоғи Алишер Эгамов билан Гўштсей маҳалласида яна 100 ўринли "уй-боғча" очиб ишга қўшимча кредит олмақчи. Ҳужжатлар Халқ банкига топширилган. Йил охирига қадар улар болалар қаровини 200 тага етказиб, қўшимча 15 та ишчи ўрни яратишни ният қилган.

"Кўёшли болажон"дан чиқар эканмиз, қизини етаклаб олган аёл эътиборимизни тортиди. У маҳаллада истиқомат қилувчи Ойгул Рустамова экан. Ойгул опа жажжи кизи Мубинани мазкур оилавий нодавлат мактабга таълим ташкилоти навбатга қўйишга олиб келиди. "Кўни-қўшнларим қизим тенги фарзандларини аллақачон навбатга ёздириб улгурди. Ишқилиб жойлар тўлиб қолмаган бўлсин", деган хавотирда қизини етаклаб ичкарига кириб кетди.

Бизнинг эса қўнлимиздан ўтгани шу бўлди: Дилрабо бу шашту шижоати билан ҳали кўп оилаларнинг фарзандлари боғчада тарбияланиши учун шароит ва имконият яратди.

Баҳорат ЮНУСОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



www.yuz.uz


yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

Масъуллар жонланди, ижрочилар енг шимарди, жойларда ташаббусларга ҳайрихоҳ, ишга чанқоқ ёшлар майдонга чиқди. Орадан ўтган қисқа вақтда ўзгаришлар яққол кўзга ташлана бошлади, юртдошларимиз ҳар қадамда унинг самарасини ҳис қилаётганларини эътироф этмоқда. Мазкур узвийликнинг навбатдаги ёрқин намунаси сифатида кеча пойтахтимизда ёшлар учун “Тошкентнинг беш ташаббус ҳаракати” тадбирларига старт берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Фурқат Маҳмудхўжаевнинг қайд этишича, бешта ташаббус йўналишидаги тадбирлар мактаб ва ОТМларда турли шаклларда ўтказиб келинаётган эди. Бу ерда эса, тўпланган тажрибадан энг яхшисини жамлашга ҳаракат қилинган — турли ёшлар гуруҳларининг таклифлари ва янги ечимлар акс эттирилган.



ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА КУЧ БЕРАЁТГАН ЭЗГУ ҒОЯЛАР

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ЁШЛАР УЧУН “ТОШКЕНТНИНГ БЕШ ТАШАББУС ҲАРАКАТИ” ТАДБИРЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

ИЛМЛИ МИНГНИ ЕНГАР...

Бу ерга ташир буюрган пойтахтимиз ёшлари ва меҳмонларнинг зеркишга вақтлари бўлмайди. Бир томонда “Заковат” интеллектуал беллашуви билимдон мухлисларни чорласа, унинг ёнида компьютер ўйинлари ихлосмандлари “Tashkent Cyber Cup — 2021” мусобақасида иштирок этишлари мумкин. Шу ернинг ўзига “Х-лойиха” доирасида жамолар турли йўналишда ИТ-лойихаларини ишлаб чиқиш билан банд бўлади.

Акбаржон Тўлқинжонов, Тошкент Халқаро Вестминстер университети 2-босқич талабаси:

— Бугун жуда катта байрам тарзида бошланган форумда волонтер сифатида иштирок этишга қарор қилдим. Чунки тинч, фаровон юртинг мана шундай ҳайратомуз, нуфузли байрамларида кўнгилли бўлиб қатнашининг ўзи ҳам гуруҳ бахш этади. Кўриб турганингиздек, бу мўъжаз шаҳарчада “Заковат” интеллектуал ўйинидан тортиб, беш ташаббус доирасидаги барча йўналишлар учун шароит яратиб қўйилган. Бу ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан ташқари, улардаги ўзгаришларнинг ва истакни янада кучайтиради.

ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ

“Шаҳарча” ҳудудида махсус деворлар ўрнатилган бўлиб, ёш рассомлар унга расм чизиб, маҳоратини намояндалаштиришга имконият бўлди. Street Art танловига тадбир меҳмонлари ўзларига ёққан расм учун овоз беришлари мумкин.

Мафтуна Бойматова, Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 10-синф ўқувчиси:

— Ўқитувчиларимиз тадбирга боришга даъват этганида, бунақанга ажойиб муҳитга тушиб қолишимни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Форум ноъбанавий усулда ташкил этилгани билан менга жуда ёқди. Бу ердаги шуқудан илҳомланиб, икки соатга қолмасдан бошланган манзарам — баланд тоғлар тасвирини деярли чизиб бўлдим. Кўплаб мусаввир тенгдошлар бир-биримиздан ўрганишимиз, дўстлашганимиз. Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббуси ортидан шундай катта ишлар бўлаётгани биз ёшларнинг эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлайди, масъулиятимизни оширади.

ЁШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Дурдона Раҳимова,
Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-
маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Бу, ҳали тажрибамизда бўлмаган катта воқеалик, серкамров тадбир. Шунинг учун ташкилий ишларга алоҳида масъулият билан ёндашилди. Ҳар бир лойихани ёшларнинг ўзи бошқаради. Масалан, интеллектуал ўйинларни муайян малакага

эга ёшлар олиб борса, спорт мусобақаларига тегишли федерациялар бириктирилган. 210 нафардан зиёд ташкилий гуруҳ аъзолари, 700 га яқин волонтер, ҳар бир тадбир, лойиха иштирокчисини бошқариш учун ходимлар жалб этилган. Фестиваль 25 май куни расман ниҳоясига етса-да, барча қурилган иншоот, декорация, сахна ва майдончалар келгусида ҳам ёшларнинг турли тадбирлари учун хизмат қилаверади.

ИТ ВОСИТАСИДА СПОРТ

Икки ойдан кўп вақт мобайнида пойтахт ҳокимлиги томонидан кенг қўламли ташкилий-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, “Тошкентнинг беш ташаббус ҳаракати”нинг сермазмун дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра, беш кун давомида машур дижейлар иштирокида жўшқин мусиқа оқшомлари, қўшиқ

ва рақс танловлари, интеллектуал беллашувлар, медиатренинглари, турли соҳанинг машур кишилари билан учрашувлар давом этади. Айни пайтда футбол, армрестлинг, баскетбол, стол тенниси, бадминтон мусобақалари учун махсус майдончалар барпо қилиниб, қизгин баҳслар бошланиб кетган.

Дониёр Мўйдинжонов,
Ўзбекистон киберспорт
ассоциацияси техник
директори:

— Ўзбекистон киберспорт ассоциацияси беш ташаббуснинг 2 та йўналишига дахлдор тадбир-

лар ташкил этган. Чунки бу ерда иштирокчи жамоалар спорт турлари бўйича компьютерда беллашади. Қизиқувчан ёшларимиз фестивал ўтказилиши ҳақида хабар топишлари билан рўйхатдан ўтишган. Бугун жамо-

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Кенг майдон, тизгиз дастур асосида қўламдор тадбирлар бошланган. ОАВ вакиллари буларнинг барчасидан ўз вақтида воқиф бўлиб бориши учун замонавий матбуот маркази ташкил этилган. Унда вазирлар, ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар иштирокида учрашувлар, савол-жавоблар, ёшлар билан очиқ мулоқотлар давом этмоқда. Масалан, ҳозирда ёшлар учун кўплаб имтиёзлар амалга киритилган, лекин бундан аксарият кишилар беҳабар. Матбуот марказида ана шулар ҳақида ҳам батафсил билиб олиш имконияти мавжуд.

ОАВ учун ташкил этилган дастлабки матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилди. Жонли мулоқот давомида тадбирнинг ташкилий масалалари, мақсад-муддаоси, дастури борасида кўплаб маълумотлар аёнлашди.

Жаҳонгир Ортиқхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими:

— Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус ҳаракатига бағишланган тадбир катта байрам сифатида бошланди. Бундай кўтаринкилик, албатта, ёшларни беш ташаббуснинг барча бўғинларига кенг жалб этишда муҳим омил бўлади. Хусусан, уларнинг келажакка бўлган интилиши,

ўзларига нисбатан ишончи ортиши билан аҳамиятли. Бундай тадбирларни қисқа фурсатда ташкил этиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун узоқ тайёргарлик кўрдик, айрим ходимлар куну тун тиним билмади. Албатта, ҳаммаси бекаму кўст, дея олмаймиз, илк бор ўтказилаётган ҳар қандай тадбир кейингилари учун тажриба бўлади. Камчиликлар, муаммолардан хулоса қила-

миз. Муҳими, минглаб ёшлар бу ерга жам бўлди. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам шу — истеъдодли, ташаббускор ёшларни кашф этиш. Шундай уюшмаган ёшлар борки, кучли иқтидорга эга. Улар мана шундай имкониятлар орқали юзага чиқишлари мумкин. Шунинг учун ҳам бундай форумлар юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилиши кўзда тутилган.



ҚИЗЛАР “СИРЛАШИБ” ОЛДИ

“Аёллар нетворкинг ҳафталиги” ҳам мазкур тадбирлар дастуридан жой олган. Унда жамоалар муаллифлик лойиҳаларини тақдим этади, турли ўқув тренинглари, нуфузли спикер ва мураббийларнинг чиқишлари ташкил этилади.

Жумладан, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маърупова

ёшларга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш масалалари юзасидан олиб борилаётган тизимли ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ўз навбатида, фаол ёшлар ижтимоий таълимдаги муаммоларга ечим топиш юзасидан ўз ғоялари, муаммолар ечими бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига таклифларини тақдим этишди.



ТОШКЕНТ — КИТОБ ШАҲРИ

Сирожиiddин Саййид,
Ўзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, тарбияда танафус бўлмайди. Тарбия эса, албатта, китоб орқали такомиллашиб боради. Мана шу беш ташаббус ҳаракати тадбирида, ёшлар эзгулик мақсадларида бирлашадиган бир паллада Ўзбекистон

Ўзувчилар уюшмаси ҳам бор имкониятларини ишга солиб, бу ҳаракатга ўз ҳиссасини қўшяпти. Ёшларимиз бевоқифа учрашишни истаган шоир-ёзувчилар, адиблар форум охирига қадар уларнинг хизматида бўлади. Бундан ташқари, янги китоблар тақдимотлари, умуман, мутолаа билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси кўтаринки руҳда ташкил этилади. Яна бир ҳақиқатни гуруҳ билан айтиш мумкинки, шу пайт-

лика нон шаҳри бўлган Тошкент эндиликда китоб шаҳрига ҳам айланиб бораёпти. Бугунги ёшларни анча-мунча китоб билан ҳайратлантириб бўлмайди. Шу маънода ҳам ватанпарварлик туғиғусини оширадиган, ватанга муҳаббат бера оладиган китоблар билан улар қалбига кириб боришга ҳаракат қилаямиз. Уйлайманки, мана шу эзгу тадбир кўплаб янги, ёш ижодкорларни ҳам кашф этади.

“БОЛАМ ИШ ҚИЛКИ АНДОҚ — МЕВА БЕРСИН”

Маҳмуд Тоир,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган улкан ишлардан ғоят мамнунмиз. Айниқса, шаҳар ҳокимлиги бошчилигида ташкил этилган бу шаҳар-

чада биз ижодкорлар ҳайратни, ҳавасни кўряймиз. Бундан неча асрлар олдин Фаридулдин Аттор бобомиз айтган эканлар: “Болам иш қилки андоқ — мева берсин. Ишинг йўқ эрса қандоқ мева берсин”. Президентимиз ҳам ҳар бир фарзандимиз

қалбиде китоб нури бўлишини таъкидлаётгани бежиз эмас. Бу нур бутун жаҳонга ўзбек нури бўлиб таралади. Мана шундай эзгу мақсадли тадбирлар воситасида келажак ёшлари ўзининг ақлини, қалбини чарқлайди, жисмини чиниқтиради.

Ҳар бир миллат ўзининг келажак учун интилувчан серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбари бошчилигида янги погоналарга кўтарилмоқда.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Мусаев иштирок этади. “Тошкентнинг беш ташаббус ҳаракати” тадбирлари давом этмоқда.

Нодир МАҲМУДОВ,
Муножат МУМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“ИЛҲОМ” МУКОФОТИ — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ҚАНОТИ



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган Адиблар хиббони бу борадаги барча ибратли ишларнинг ўзига хос рамзий кўзгусига айланди. Бир йилдирки, бу масканда адабий гурунглари, қизиқарли суҳбатлар, китоб тақдиротлари, маърифий тадбирлар авжида. Бу ер доим ижодкорлар, китоб мухлислари, устозу маънавият фидойилари билан гавжум.

Ҳақиқат шуки, ўзаги “адаб”, “одоб” сўзидан олинган адабиёт одамзодни эзгулик, маърифат, билим, одамийлик сари ундайди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Адабиёт — халқнинг юраги...”

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 20 май кунини ушбу хиббоннинг очилиш маросимида иштирок этиб, бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Ана шу топшириқлардан бири — Адиблар хиббонида ҳайкаллари ўрнатилган ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида кенг тарғиботини олиб бориш мақсадида “Илҳом” мукофотини жорий қилиш эди.

Мазкур улуғвор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур мукофот шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда энг юқори натижаларга

ҳисобидан амалга оширилди. Етук олимлар, ёзувчи-шоирлардан иборат Ҳакамлар ҳайъати номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқишда ҳолислик ва шаффоқлини таъминлашга катта эътибор қаратди. Танловга юборилган ҳар бир ижодий ишни мукамал кўриб, ўрганиб чиқди. Номзоднинг истеъдоди, ижтимоий фаоллиги мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инobatга олиниб, ғолиб ва совриндорлар танланди.

Шу ўринда, “Илҳом” мукофоти танлови ғолибларига тўхталиб ўтамиз: мутлақ биринчи ўринни қўлга киритган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2-босқич магистранти Ақром Маликовни да олиб борилаётган одилона сиёсатнинг ифодасидир. Фақатгина адолатли жамиятда ҳар бир инсон меҳр ва эътиборда бўлади.

Ақром Маликов устозлар йўлидан бориб, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonига ёзилган шарҳнинг биринчи китобини ёзган. Улуғ бобомиз ижоди ва асарлари таҳлили юзасидан хорижий ва маҳаллий илмий журналлар, кон-

ференцияларда 10 дан ортиқ мақолалари билан қатнашган. Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига илмий-назарий қарашлари акс этган видео чиқишлари билан “Ёшлар” телеканали, “Hilol-nashr”, “Kun.uz”, “Islom.uz”, “Azon.tv”, “Tajumon media” ижтимоий тармоқларида фаол тарғибот олиб борган. “Алишер Навоий “Хамса”сини феноменологик тадқиқ этиш муаммолари (Ҳамд ва муножат боблари мисолида)” мавзусидаги диссертация ишени ёқлаган.

Иккинчи ўринга лойиқ топилган Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоасининг ҳам адабий, илмий изланишлари, ўзбек адабиётини дунёга тарғиб қилиш бўйича таржималари таҳсинга сазовор.

У.Неъматова, З.Қурбонбаева, М.Муҳаммадова, Д.Раҳмонова, М.Тоштемуровадан иборат ижодий жамоа ва уларнинг Огаҳий шеърларини ҳозирги ўзбек тилида шарҳлаш йўналиши бўйича яратган “Огаҳийнинг бадиий кашфиётлари” тадқиқоти ва У.Неъматованинг “Орзулар шаҳри” қиссаси, Огаҳий лирик меросини ҳамда М.Турсуналиеванинг “Ҳикмат ва тақдир битиги” илмий рисоласи, О.Турдиалиевнинг ўзбек мумтоз меросини япон тилига таржима қилиш йўналишида яратган “Огоҳнома япон тилида” тадқиқоти “Илҳом” мукофоти танловида тақдим этилган эди.

Учинчи ўринга Фарғона давлат университетининг изланувчан ва ижодкор талабаси Қобилжон Шерматов ҳамда Қорақалпоқ давлат университетининг иқтидорли тала-



баси Малика Палимбетова муносиб кўрилди.

Қобилжон “Қишлоқжоним” номли шеърлар тўплами, “Балки мош ҳам туш кўрар” (2008), “Бир қўлоқли кўзичоқ” (эртақ-қисса 2014), “Ҳайрат булоқлари” (2010), “Водий гулдастаси” (2016), “Турон замин зиё” (2016), “Хур нафаслар” (2012) ҳамда “Ватани севиш” (2019) номли шеърлари учун мукофотга муносиб топилди.

Малика Палимбетова ҳам иқтидорли ёшларимиздан: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳибаси, хорижий ва маҳаллий илмий журнал, конференцияларда 40 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган, “Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари” номли истеъдодли ёшларнинг илмий мақолалар танловида “Энг яхши илмий мақола” йўналишида ғолиб бўлган. Малика “Илҳом” мукофотининг тақдирлаш маросими арасида ҳаётининг ҳам азиз инъомини бағрига босди — фарзандли бўлди. Мукофотни у таҳсил олаётган университет раҳбарияти қабул қилиб олди.

Танловнинг рағбатлантирувчи ўрин соҳиблари ва уларнинг илмий-ижодий ишлари ҳақида ҳам кўп-кўп илқ мулоҳазалар билдириш мумкин. Урганч давлат университети

талабаси Акбар Отабоев, Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси Мадина Қаҳҳорова, Навоий давлат педагогика институтини талабаси Фарҳод Низомов тенгдошлари орасида адабиётга, илоҳда, санъатга иштиёқи билан алоҳида ажралиб туради.

Совриндорлар сафида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети жамоасининг борлиги ҳам ҳарбий соҳада адабиётнинг нечоғлиқ зарур ва қадри эканини намоён этади. Улар буюк шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Йулбарснинг тугилиши” номли бадиий фильм ва “Йуллар изидан” номли ҳужжатли фильмни “Ўзбекино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда яратишга муваффақ бўлди. Жамоа аъзолари “Бобур асарлари билимдони” кўрик-танлови, “Бобур авлодлари” драма тўғраги, “Ёш бобуршунослар” номли курсант шоирлар тўғраги ташкил этишди.

Афсуски, оғриқли вазиятлар ҳам бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси Хонзодаҳон Жамоловага мукофотни қабул қилиб олиш насиб этмади. “Илҳом” мукофоти учун танловнинг рағбатлантирувчи совринига “Бахт тонги” номли китоби, шунингдек, “Республика лидер қизлар” фестивалининг раиси сифатидаги фаолияти учун муносиб деб топилган қиз вафот этган экан. Унинг мукофотини ҳам университет мутасаддилари қабул қилиб олди...

Илмга интилган, ижод қилган ёшлар катта ҳаётда тўри йўл танлашда оғишмайди, аксинча, жамиятга, юртига, оиласига нафи тегадиган инсонлар бўлиб этишади. Мухими, бугун юртимизда илм ва ижодни танлаган инсонлар ўз қадрини топяпти. Кўксига эзгу ният тугиб, қўлига қалам олган, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, ҳар бир сатрининг қалитини топишга уринган, бунинг учун матонат билан илм заҳмати чеккан ҳар бир ёш “Илҳом” мукофотига муносиб.

ТАРАДДУД

ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАБО!

NAMANGAN FLOWERS

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Наманган шаҳрида анъанавий Халқаро гуллар фестивалига тайёргарлик ишлари якунига етмоқда.

Фестиваль Наманган халқаро аэропортидан вилоят марказининг асосий кўчалари бўйлаб ўтганидан ва гуллар билан безатилган автомобиллар қарвони билан бошланади. Гуллар байрами шаҳардаги “Тинчлик стеласи” майдонида тантанали очилиш маросими ўтказилгандан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этади.

Боғ бетакрор гуллар композицияси билан тўлади. Меҳмонлар 9 кун давомида турли шоу ва концертлар, гуллар коллекцияларидан баҳра олади. Баҳорий кайфият ва кўтаринки руҳ улашилади. Оммавий байрамга юртимиз ва хориждан 500 минг нафардан ортиқ меҳмон келиши кутулимизда.

Фестиваль 2018 йилда халқаро мақом олган ва ҳар йили унга вилоятда катта таралдууд кўрилади.

Бу галгисига ҳам тайёргарлик доирасида минглаб гулчилар, юзлаб меъмор ва ландшафт-дизайнерлар бадиий композициялар яратиш устида астойдил ишлади. Юздан ортиқ гулчилар томонидан 10 миллионга яқин гуллар экилди. Бу йилдан эътиборан фестивалда иштирок этадиган маҳаллий ҳамда хорижий гулчилар учун алоҳида павильонлар ташкил этилди.

Наманган вилояти ҳокимининг уринбосари Б.Нуриддиновнинг таъкидлашича, ушбу халқаро фестивалга нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам қизиқиш тобора ортмоқда. Россия, Хитой, Эрон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Покистон каби 20 дан зиёд давлатдан минга яқин сайёҳ, инвесторлар ва туристлар шунингдек, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари қатнашиш истагини билдирган.

Фестиваль доирасида “Гулчилик ва гулчилик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция, хорижлик ва маҳал-

лий гулчилар иштирокида маҳорат дарслари, сайиллар, санъат усталари томонидан саҳналаштирилган дастурлар намойиш этилади.

Барча биродарлашган шаҳарлар мутасаддиларига таклифномалар юборилган. Қолаверса, 100 дан ортиқ хорижий ОАВда тарғиб қилинди. — дейди Наманган шаҳар ҳокими Ф.Жамолов. — Байрам кунлари унга яқин чет эл телерадиокомпаниялари ва ахборот агентликларидан 25 нафар ОАВ вакиллари жараёни тўғрисида тўри ёритишни режалаштирган. Бу эса, фестивалнинг халқаро нуфузини янада оширади.

Гуллар байрамининг асосий тадбирлари ўтадиган 16 гектарлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Wi-Fi ҳудуди барпо этилган. Уйлаймизки, гул шайдолари ва меҳмонлар учун яратилган қулайликдан улар мамнун бўлади.

Фестиваль тадбирлари доирасидан жой олган гуллар савдоси ихлосмандларга шароит яратиш мақсадида вилоят театри биноси яқинидаги Адиблар хиббонида ташкил этилади.

31 май оқшомида Наманган шаҳридаги “Афсоналар водийси” боғида Халқаро гуллар фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади. Ғолиб ва совриндорлар тақдирланади.

Барча кўртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларни гуллар шаҳри Наманганга чорлаймиз!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланган. Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 1680. 79242 нусхада босилди.

Ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоли қилинган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиж: Ойдин Алпугдинова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 01:35